

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

99 2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида сил касаллиги билан касалланишни камайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Сил касаллиги билан касалланишни камайтириш ва унинг олдини олиш дастури амалга оширилиши кейинги беш йилда касалланиш кўрсаткичини 38 фоизга, аҳолининг сил касаллиги туфайли ўлимини — 45 фоизга камайтиришни таъминлади.

Шу билан бирга, сил касаллигига қарши муассасалар фаолиятида профилактика даражасини ошириш ва кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати билан боғлиқ ҳал этилмаган масалалар хануз сақланиб қолмоқда. Сил касаллигига қарши муассасаларнинг аксарияти мукамал таъмирлашни, реконструкция қилишни ва замонавий тиббиёт анжомлари билан жиҳозлашни талаб қилади, ярмидан кўпи кам қувватли ва мослаштирилмаган биноларга жойлаштирилган. Кўпчилик муассасалар фтизиатр врачлар, айниқса тор ихтисосли мутахассислик врачлари билан етарлича таъминланмаган.

Сил касаллиги профилактикаси ва уни даволаш ишларини янада такомиллаштириш, сил касаллигига қарши хизматнинг моддий-техника базасини ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, республиканинг сил касаллигига қарши муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган:

2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида сил касаллигига қарши курашиш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 1-иловага* мувофиқ;

сил касаллигига қарши муассасалар тармоғини мақбуллаштириш ҳисобга олинган ҳолда шакллантирилган 2011 — 2015 йилларда сил касаллигига қарши муассасаларни янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашнинг асосий параметрлари 2 — 4-иловаларга* мувофиқ;

2012 — 2015 йилларда сил касаллигига қарши муассасаларни замонавий тиббиёт анжомлари билан жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)нинг асосий параметрлари 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

* 1 — 5-иловалар берилмайди.

2. 2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида сил касаллигига қарши курашиш дастурини амалга ошириш бўйича 6-иловага* мувофиқ таркибда Махсус комиссия тузилсин.

Махсус комиссия (А. Арипов)га Дастурни амалга ошириш бўйича ташкилий ишларнинг бутун комплекси бажарилиши юзасидан жавобгарлик юклансин. Комиссия ярим йиллик ва календарь йил якунлари бўйича тасдиқланган Дастур амалга оширилиши натижаларини Вазирлар Маҳкамаси Президиуми мажлисларида кўриб чиқиш учун киритсин.

Махсус комиссияга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг тақдимномаси бўйича ҳар йили тасдиқланадиган сил касаллигига қарши муассасаларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашнинг аниқ йўналтирилган рўйхатига умумий тасдиқланган параметрлар доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилансинки:

сил касаллигига қарши муассасаларни янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш марказлаштирилган инвестициялар ва соғлиқни сақлашга ҳар йили назарда тутиладиган маблағлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, шунингдек хорижий давлатлар, халқаро молиявий институтлар ва ташкилотларнинг имтиёзли кредитлари (қарзлари) ва грантлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади;

замонавий тиббиёт анжомлари сотиб олиш ва уларни сил касаллигига қарши муассасаларда ўрнатиш амалга ошириладиган қурилиш ва таъмирлаш ишларига мувофиқ 2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида сил касаллигига қарши курашиш дастурини бажариш бўйича Махсус комиссия томонидан тасдиқланадиган ҳар йилги жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)нинг аниқ йўналтирилган рўйхатларига мувофиқ хорижий давлатлар, халқаро молиявий институтлар ва ташкилотларнинг имтиёзли кредитлари (қарзлари) ва грантлари ҳисобига амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг асосланган ҳисобкитоблари бўйича ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети лойиҳасини ва Инвестиция дастурини шакллантиришда белгиланган тартибда жалб этиладиган хорижий давлатлар, халқаро молиявий институтлар ва ташкилотларнинг имтиёзли кредитлари (қарзлари) ва грантларини ҳамда бошқа бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобга олган ҳолда сил касаллигига қарши муассасаларни янгидан қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлашга капитал қўйилмалар ва бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг зарур лимитларини назарда тутсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда «Ўзтиблойиҳа» масъулияти чекланган

* 6-илова берилмайди.

жамият билан биргаликда аҳолига кўрсатиладиган даволаш-профилактика ёрдамнинг сифати ва ундан фойдаланиш бўйича талабларга мувофиқликни таъминлашни назарда тутган ҳолда сил касаллигига қарши муассасаларнинг янги қуриладиган, реконструкция қилинадиган ва мукамал таъмирланадиган объектларга қўйиладиган санитария меъёрлари ва қоидалари бўйича мавжуд норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқсин.

5. Буюртмачи функциялари:

республика сил касаллигига қарши муассасаларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш, шунингдек сил касаллигига қарши муассасаларни замонавий тиббиёт анжомлари билан жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш) бўйича — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига;

сил касаллигига қарши вилоят ва туман (шаҳар) муассасаларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги ягона буюртмачи хизматларига юклансин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш даврида сил касаллигига қарши муассасаларнинг беморлари контингентини бошқа муассасаларга вақтинча ўтказиш жадвалини ва жойлаштирилишини ишлаб чиқсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда Дастурни амалга ошириш учун хорижий давлатлар, халқаро молиявий институтлар ва ташкилотларнинг имтиёзли кредитлари (қарзлари) ва грантларини ҳамда бошқа бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш ишларини доимий асосда олиб борсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2011 йил 1 апрелдан бошлаб сил касаллигига қарши муассасалар ходимларининг соғлиқ учун хавfli ва оғир иш шароитлари муносабати билан тариф ставкаларига 50 фоиз миқдорида қўшимча белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилансинки, сил касаллигига қарши муассасалар ходимларининг тариф ставкаларига қўшимча миқдори оширилиши билан боғлиқ бюджетнинг қўшимча харажатлари соғлиқни сақлаш муассасалари бўйича маъмурий ва ёрдамчи ходимлар сонини мақбуллаштириш ҳисобига қопланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Н. Арипов ва Б.А. Хўжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 5 март,
62-сон

